



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ



**“9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА МАХСУС
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: Психология таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Муллаев Р. _____

ИЛМИЙ РАХБАР:
доц.в/б.Шарафутдинова Х. _____

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси «____» _____ 2013 йил

Термиз – 2013

КИРИШ.

1-БОБ. Қобилият педагогик-психологик муаммо сифатида.

1.1. Қобилиятнинг педагогик-психологик таҳлили.

1.2. Қобилиятнинг тузилиши ва уни ўрганиш муаммоси.

1.3. Умумий ва махсус қобилиятларнинг таълим фаолиятидаги роли.

2-БОБ. Умумий ва махсус қобилиятлар диагностикаси муаммолари.

2.1. Ўқувчиларнинг умумий қобилиятини “Дифференциал диагностик сўровнома” (ДДС) усулида ўрганиш.

2.2. Техник қобилият тести ва унинг диагностик имкониятлари.

2.3.. Ўқувчиларни касб-хунар коллежларига йўналтиришда амалиётчи психологнинг вазифалари.

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамият равнақи учун қўйилаётган энг муҳим қадам саналади. Бу эса инсонга ва унинг манфаатларига доир муаммоларни кенг қўламда тадқиқ этишни талаб этади. Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, халқимизнинг ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатиши ақлан ва жисмонан етук кишиларни тарбиялаш заруратини вужудга келтирмоқда. Бугунги кун тараққиёти, фан ва техника ютуқлари ёш авлодни жаҳон талаблари даражасида интеллектуал салоҳиятга эга бўлишини, юқори савияда мустақил фикрлашларини ҳамда тинимсиз ижодий фаолият билан шуғулланишларини тақозо этмоқда.

Мамлакатда жорий этилган узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ижобий ишлар йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да етарлича қайд этилган. Белгиланган йўналишлар узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари олдига юксак вазифалар қўймоқда. Келажагимиз ворислари бўлган ёшларни комил инсон сифатида шаклланишлари учун умуминсоний ва миллий маданий қадриятлардан унумли фойдаланиш, уларни янги техника ва технология билан қуроллантириш лозим эканлиги қайд этилмоқда.

Маълумки, шахс қобилиятлари таркибий тузилишига кўра умумий ва махсус қобилиятларга ажратилади. Умумий қобилият шахснинг барча турдаги фаолият соҳаларида оптимал даражада фаолият кўрсатишларини таъминласа, махсус қобилиятлар эса муайян фаолият турида муваффақиятга эришишни таъминлайди.

Махсус қобилиятлар таркибига қуйидагилар киритилади; математик, техник, ижодий, бадий, мусиқий ва бошқалар.

Узлуксиз таълимда таълим олувчиларнинг умумий ва махсус қобилиятларини юзага чиқариш келгусида ёшларнинг касбга йўналтириш,

тўғри касб танлиши ва танлаган касбида юксак муваффақиятларга эришишининг гарови хисобланиб, ёшларнинг мустақил таълим олиши ва ўз устида ишлашлари учун имкон яратади. Бу эса умумий ва махсус қобилиятларни аниқлаш ва ривожлантиришнинг махсус диагностик воситалари ва янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишни талаб этади. Таълим жараёнида умумий ва махсус қобилиятларини ривожлантириш учун ўзига хос таълим методларини жорий этиш, оқилona йўллар орқали муаммоларни ечишга ўргатиш, мустақил фикрлашга ва ижодий изланишлар олиб боришга тайёрлаш лозим.

Ана шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда таълимнинг турли босқичларида психологик хизмат жорий этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларда тарққиётнинг муҳим омили бўлган психик хусусиятларнинг намоён бўлиши, ривожланиш характерини ўрганиш, уларга ўз вақтида ва тўғри психологик ёрдамни ташкил этишдан иборат. Аммо таълим соҳасида психологик хизмат ишлари яхши йўлга қўйилган деб айтиш мушкул. Вазиятнинг бундай кечишига сабаб бир томондан психолог кадрларнинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан умумий ва махсус қобилиятларни ўрганувчи методик ишларнинг чекланганлигидир. Шу туфайли 9-синф ўқувчиларининг таълим жараёнида умумий ва махсус қобилиятларни аниқлашнинг янги услларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳозирги кунда таълим психологиясининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Амалий психологияда умумий ва махсус қобилиятларни ўрганувчи методикаларни таҳлил қилиш ва 9-синф ўқувчиларини таълим жараёнида умумий ва махсус қобилиятларини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг илмий фарази.

1. Умумий ва махсус қобилиятларни таълим жараёнида эрта ташхис қилиш орқали ўқувчиларнинг касбий истиқболларини аниқлаш эҳтимоли мавжуд.

2. Умумий ва махсус қобилиятларни диагностика қилувчи психологик воситаларни ўрганиш ва модификация қилиш бу жараёни амалга ошириш учун хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсадига эришиш ва илгари сурилган илмий фаразни асослаш мақсадида ишни тизимли амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тадқиқот мавзусига оид адабиётларни таҳлилний амалга ошириш;
- тадқиқот методикаларини танлаш ва асослаш;
- “Техник қобилият тести” ни 9-синф ўқувчиларида қўллаш;
- “Қисқа танлов тести” ни тажрибада қўллаш
- тадқиқот натижаларининг статистик таҳлилин амалга ошириш;
- таълим жараёнида умумий ва махсус қобилиятларни ўрганиш ва унинг аҳамиятини кўрсатиб берувчи илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишда қўлланилган методикалар.

1. Кузатиш методи ёрдамида тажриба гуруҳидаги ўқувчиларнинг таълим фаолиятида умумий ва махсус қобилиятлари шаклланганлиги тўғрисида маълумот тўплаш.

1. “Қисқа танлов тести” ёрдамида 9-синф ўқувчиларининг умумий қобилиятларининг таҳлил қилиш.

2. Россиялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган “Техник қобилият тести” методикаси ёрдамида 9-синф ўқувчиларининг техник қобилиятларини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг янгилиги.

- “Техник қобилият тести” 9-синф ўқувчиларининг махсус қобилиятларини ўрганиш мақсадида қўлланилди.

- Биринчи марта 9-синф ўқувчиларининг умумий ва махсус қобилиятларнинг ривожланганлик даражаси таълим жараёнида қиёсий ўрганилди.

- Умумий ва махсус ақлий қобилиятларни рўёбга чиқаришга мўлжалланган коррекцион машғулотлар дастури ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилди.

Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти.

Тадқиқот ишида қобилият муаммосининг назарий таҳлилида умумий ва махсус қобилиятлар тўғрисидаги фикрлар юзасидан тўпланган материаллар умумий психология, дифференциал психология, ёш даврлар психологияси соҳаларини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ишда қўлланилган “Техник қобилият тести”, “Қиска танлов тести” методикалари амалиётчи психологларнинг 9-синф ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича фаолиятларига татбиқ этилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши.

Ушбу **БМ** иши кириш, икки боб олти параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмлардан тузилган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, илгари сурилган илмий фараз, вазифалари, тадқиқотда қўлланилган методикалар, янгилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида қисқачи маълумотлар берилган.


1-БОБ. ҚОБИЛИЯТ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

1.1. Қобилият муаммосининг педагогик-психологик таҳлили

Қобилият шахснинг муҳим индивидуал психологик хусусияти бўлиб, унинг ҳаётий тажрибаларни ўзлаштириш ва жамиятнинг тараққий этишида роли бекиёсдир.

Психолог олимлардан С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, А.Б.Брушлинский, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананев, В.И.Криенко, К.К.Платонов, В.А.Крутецкий ва бошқалар қобилият муаммосини чуқур тадқиқ этиб, унинг хилма-хил жиҳатлари ҳақида фикрларни баён этганлар.

Рус психологи Б.М.Теплов ва унинг шогирдлари қобилиятлари энг аввало кишилар ўртасидаги индивидуал психологик фарқ сифатида тадқиқ этадилар.



1.Қобилият деганда кишиларнинг бир-бирларидан фарқ қиладиган индивидуал психологик хусусиятлари тушунилади.Барча кишиларга хос бўлган хусусият ва муносабатларни ҳеч ким қобилият деб атамайди.

2.Қобилият деганда ҳар қандай индивидуал психологик хусусиятлар эмас, балки бир ёки бир неча фаолиятни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам берувчи индивидуал психологик хусусиятлар йиғиндиси тушунилади.

3.Қобилият тушунчаси кишида шаклланган билим, кўникма ва малакаларни англатмайди.

Б.М.Теплов қобилиятлар деганда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга алоқадор бўлган индивидуал психологик хусусиятларни тушуниб, фаолиятни муваффақиятли бажариш алоҳида қобилият эмас, балки шу шахсни ҳарактерловчи ранг-баранг хусусият бирикмаси билангина амалга оширилиши масаласини қўяди. Унинг фикрича бу алоҳида қобилият нафақат биргаликда мавжуд ва бир-бирига боғлиқ бўлади, балки уларнинг ҳар бири ўзгариши, сифат жиҳатидан алоҳида ҳарактер касб этиши мумкин. Бу эса алоҳида қобилиятнинг миқдори ва даражасига боғлиқдир.

Юқорида келтирилганидек, қобилиятларнинг ранг-баранг бирикмасини муаллиф “истеъдод” тушунчаси билан ифодалайди ва шундай ёзади: “Умуман истеъдод ҳақида эмас, балки фақат нимагадир, қандайдир фаолиятга нисбатан истеъдод ҳақида гапирмоқ керак. Истеъдод тушунчаси конкрет тарихий ривожланган ижтимоий меҳнат амалиёти тушунчасига киритилиши лозим.”

Муаллиф шунингдек, -“Истеъдод фаолиятни бажаришда на фақат муваффақият билан таъминлайди, балки уни эгаллаш учун шароит (имконият) яратади”-деган масалани қўяди. “Фаолиятни муваффақиятли бажаришнинг ўзи фақат истеъдодга боғлиқ бўлиб қолмай, зарур кўникма ва малакаларни эгаллашга ҳам боғлиқдир. Истеъдод фаолиятни муваффақиятли бажаришни аниқловчи ягона фактор бўлмагани каби, у фаолият танлашни белгиловчи ягона фактор эмас” (Б.М.тепов. “Проблемы индивидуальных различий” 17-бет)

Б.М.Тепловнинг таъкидлашича, қобилият фақат ривожланишда бўлади деган ҳолда унинг тарққиёти у ёки бу, амалий ва назарий фаолиятдан ташқарида вужудга келмаслигини назарда тутиш лозим. Бундан қобилият маълум конкрет фаолиятдан ташқарида вужудга келмайди деган фикрга келиш мумкин. (Б.М.Теплов. Изб. Труды в 2 томах. 1 - том 1985-йил 20-бет).

Машҳур психолог А.Н.Леонтьев қобилият муаммосини ўзига хос тарзда талқин қилган. А.Н.Леонтьев қобилият муаммосига тааллуқли ишларида қобилиятнинг ривожланишида ижтимоий шароит таълим ва тарбиянинг ҳал қилувчи роли ҳақиди тўхталади.



Юксак қобилиятга эга бўлган кишилар ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам қадрланиб келинган ва уларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, ҳар бир инсон ёшлигидангоқ ўзига хос, такрорланмас индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлган ҳолда вояга етади. Кишилар ёшлигиданок ақли, зеҳни, уддабуронлиги, ишга қобилиятлилиги билан ажралиб турадилар. Айнан шу қобилият туфайли инсоният ижтимоий тараққиётнинг юксак даражасига эришади.

Шу туфайли жамиятнинг ҳар бир аъзоси давлатимиз тараққиёти учун ўз улушини қўша олиш даражасига эришмоғи зарур. Шундагина жамиятимиз миллий истиқлол ғоясини тўлиқ рўёбга чиқариш салоҳиятига эга бўлиб боради.

Малакалар кўникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Тупроққа ташланган дон ана шу дондан униб чиқиши мумкин бўлган бошоққа нисбатан атиги имконият бўлиб ҳисоблангани сингари кишининг қобилияти бу билимлар ва кўникмларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади ҳалос.

Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён бўлади.

Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади, яъни, бошқача қилиб айтганда, мазкур фаолият учун муҳим бўлган билимлар ва кўникмаларни эгаллаш жараёни турли тенг шароитларда қанчалик тез, чуқур, осон ва мустаҳкам амалга оширилишида намоён бўлади. Худди ана шу ўринда юзага чиқадиган фарқлар бизга қобилиятлар ҳақида гапириш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал – психологик хусусиятдир.

Қобилиятлар сифат ва миқдор жиҳатдан фарқланади. Қобилиятлар индивидуал – психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиладиган белгилари сифатида таърифланади. Ўз-ўзидан маълумки, кишилар бир-бири билан тенг эмас. Ана шунинг учун ҳам қобилиятлар ҳақида гап кетганда бу фарқларни характерлаб ўтиш керак. Бу фарқлар сифатли ва миқдорий бўлишлари мумкин.

Қобилиятларнинг сифат жиҳатдан характеристикаси инсонга меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (конструкторлик, педагогик, иқтисодчилик, спорт ва бошқаларда) осонлик билан ўзини топа олади, катта ютуқларга ва муваффақиятларга эришади деган саволга жавоб топиш имкониятини беради. Бу билан қобилиятларнинг сифат характеристикаси уларнинг миқдорий характеристикасига узвий бўғлиқдир.

Психологияда қобилиятларни миқдор жиҳатдан ўлчаш муаммоси узок тарихга эгадир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қатор психологлар (Кеттел, Термен, Спирмен ва бошқалар) оммавий ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ бўлган талаблар таъсири остида таълим олаётганларнинг қобилиятини аниқлашни таклиф қилиб чикдилар.

Ўша пайтларда қобилиятларни ўлчаш усули сифатида ақлий истеъдод тестларидан фойдаланилди.

Ақлий истеъдод тестлари мазмун жиҳатдан қатор саволлар ва масалалардан ташкил топгандир. Уларни ечиш муваффақияти (сарфланган вақтни ҳисобга олиб) балл ёки очколар йиғиндиси билан ҳисобланади. Масалан, ўн бир ёшлик болаларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаш учун инглиз мактабларида қуйидагича тест қўлланилган: «Петр Жеймсга караганда баландрок, Эдвард Петрдан пастрок. Ҳаммадан кўра ким баланд? Савол тагига қуйидаги жавоблар ёзиб қўйилади: 1. Эдвард, 2. Жеймс, 3. Петр,» Айта олмайман. Ёки бошқача тест: кизил, яшил, кўк, ҳўл, сарик. Бу ерда бола туркумга кирмайдиган сўзни аниқлаши керак ва хоқозо.

Болалар тестлар тўпламини бажариб бўлгандан кейин уларнинг натижаларини стандартлаштирилган йўл билан, яъни ҳар бир синалувчи олган очколар миқдорини ҳисоблаш билан шугулланишади.

Баъзан ўта қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар **лаёқатлар** деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади : табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл - оёқларнинг биологик ва физилогик сифатлари, билиш жараёнларини


таъминловчи сезги органлари - кўз, кулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота - онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт - шароитлар (улар ота - она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш қўшиқчи бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшликдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки қўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшликдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт - шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида

нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зеҳни илк ёшликдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, “юраги чопган” иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни **иқтидорли** деймиз.




Иқтидор - инсоннинг ўз хатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз - ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради.

Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро **истеъдод** - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

1.2. Қобилиятнинг тузилиши ва уни ўрганиш муаммоси

Қобилият сифатида намоён бўладиган фазилатлар йиғиндисининг тузилиши оқибат натижада конкрет фаолият талаблари билан белгиланади ва фаолиятнинг ҳар хил турлари учун турлича бўлади. Масалан, адабий қобилиятларнинг тузилиши эстетик туйғуларнинг юксак тараккий этган даражасини, хотирада ёрқин кўргазмали образлар мавжудлигини, тил хиссини, бой фантазияни, одамлар психологиясига нисбатан зқр қизиқишни, ўз-ўзини ифодалаш эҳтиёжини ва шу кабиларни тақоза қилади. Мусиқий, педагогик, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва жуда кўп қобилиятлар тузилиши ўзига хос характерга эгадир.

Конкрет қобилиятлар тузилишини ташкил этадиган шахс хислатлари ва хусусиятлари орасида баъзи бирлари етакчи ўринни эгалласа, баъзи бирлари ёрдамчи ролни ўйнайдилар. Жумладан, педагогик қобилиятлар тузилишида педагогик одоби, кузатувчанлик, болаларга мухаббат, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан қушиб олиб бориладиган билим беришга эҳтиёж, ёрдамчилик тарзида шулар жумласига кирадиган бир катор ташкилотчилик қобилиятлари комплекси етакчи фазилатлар ҳисобланади.



Қобилиятлар аввалом бор *умумий* ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади.

Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиши ва натижаларга эришишига имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий - гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштириши олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиши, юқори сатгичлар беришига имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, рт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки ида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўرғазмали образлар, эстетик хислар, тилни мукамал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. Ҳудди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар турли қобилиятларнинг конкрет психологик характеристикасини ўрганар эканмиз, биз бу қобилиятларда биргина эмас, балки жуда кўп турдаги

фаолият талабларига жавоб берадиган умумийроқ фазилатларни ва бундан ташқари ушбу фаолиятнинг бир мунча торроқ доираларга жавоб берадиган махсус фазилатларни ажратишимиз мумкин. Айрим кишиларда бу умумий фазилатлар ёрқин ифодаланади. Масалан, Ибн Сино ҳам врач, ҳам ёзувчи, ҳам мусиқачи, ҳам математик ва хоқозо қобилиятларга эга бўлган. Хамза Хакимзода Ниязий ҳам драматург, шоир, композитор, педагог, жамоат арбоби бўлган. Айрим кишиларда эса фазилатлар кўпроқ бир фаолиятга тегишли бўлади. Масалан, рассомликка, композиторликка, наққошликка қобилият ва хоқозо.

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб айтилади. Истеъдод бу кишига қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасидир. Қобилиятлар каби истеъдод ҳам фақат ижодиётда юксак маҳоратга ва анчагина муваффақиятларга эришиш имкониятидан иборатдир.

Уруш йилларида саркардалик истеъдодлари жўшқин ривожланади, тинчлик даврида инженерлик, конструкторлик ва шу каби истеъдодлар ривожланади. Масалан, ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги энг илгор, энг обрўли давлатлардан бирига айлантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Мустақиллик даврининг ана шу эҳтиёжи ажойиб қурувчилар, муҳандислар, наққошлар, хунармандларнинг ўсиб чиқишига йўл очди. Айниқса спрот соҳасидаги муваффақиятларимиз бекиёсдир. Мана, ўзбек кураши бўйича биринчи ўринда, бокс бўйича юқори ўринлардан бирида турибмиз. Буларнинг ҳаммаси давр тақозасидир.

Истеъдод - бу қобилиятлар йигиндисидан, уларнинг мажмуидан иборатдир. Алоҳида олинган, яқка қобилиятни, гарчи тарақиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёрқин ифодаланган бўлса ҳам, истеъдод билан тенглаштириб бўлмайди.

Шундай қилиб, истеъдод шахс психик фазилатларининг шу қадар мураккаб бирикмасики, уни қандайдир бирорта ягона қобилият билан, ҳатто бу қобилият хотиранинг юксак маҳсулдорлиги каби жуда қимматли қобилиятлар

бўлишига қарамасдан, белгилаб бўлмайди. Қобилиятлар ва истеъдоднинг табиий шарт-шароитлари. Шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби қобилиятлар унга қандайдир табиат томонидан туғма равишда, тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт ва фаолият жараёнида таркиб топади. Киши дунёга ҳеч қандай психик хусусиятларсиз, фақат уларни орттиришга қаратилган умумий имкониятлар билан келади, холос.

Ҳозирги пайтда истеъдод нишонларини миянинг ва сезги органларининг микроструктураси билан боғлайдиган назария энг махсулдор ҳисобланади. Мия хўжайраларини чуқур ўрганиш истеъдодли кишининг нерв тўқималарини кўрсатадиган морфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш имкониятидадир деб тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, истеъдод нишонларини нерв жараёнларининг айрим дифференциал хусусиятлари билан (нерв кучи, мувозанатлашуви ва ҳаракатчанлиги ўртасидаги фарқларга қараб) ва шу билан олий нерв фаолияти турлари билан боғловчи гипотеза ҳам ҳақиқатга яқинроқдир.

Булардан ташқари, қобилиятларни табиий асосларини нерв системасининг хусусий хусусиятлари деб аталган хусусиятлар билан боғлайдиган, яъни айрим одамларда кўриш, бошқа одамларда эшитиш, учинчи бир хилида эса ҳаракат соҳасида намоён бўладиган ўзига хос типологик хусусиятлар билан боғлайдиган гипотезалар яна ҳам ҳақиқатга яқинроққдир.

Жиддий статистика қобилиятлар ва истеъдодларнинг ирсият йули билан ўтишини исботлайдиган ҳеч қандай далиллар бермайди. Қобилиятларнинг ирсият йули билан ўтиши ҳақидаги илмий назарияга ҳам қарама-қаршидир.

Гарчи қобилиятларнинг ривожи ҳар турли одамларда мутлоқо бир хил бўлмаган табиий шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, юқорида кўриб ўтилган истеъдод нишонлари ва қобилиятлар ўртасидаги нисбат, қобилиятлар шунчаки табиат инъоми эмас, балки кишилиқ тарихининг махсули эканлигини кўрсатади. Агар ҳайвонларда олдинги авлод ютуқларининг кейинги авлодга ўтказиб берилиши асосан организмнинг ирсий морфологик ўзгаришлари орқали амалга ошса, инсонда бу ижтимоий-тарихий йул билан, яъни меҳнат қуроли,

тил, санъат асарлари ва шу кабилар билан амалга ошади.

Киши ўзида муайян фаолиятга қобилият бор ёки йўқлигини сезиш ёки сезмаслигини билдирадиган омил таълим методикаси ҳисобланади. Таълим методикаси қаерда ожиз бўлса, ўша ерда қобилиятларнинг тугма эканлиги ҳақидаги гаплар пайдо бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, методика доим такомиллашиб боради, бу эса «туғма қобилиятлар» доирасини торайиб боришига олиб келади.

Қобилиятлар ва истеъдодларни шакллантириш муаммоси катта ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Инсон қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омиллари – барқарор махсус қизиқишлардан иборат. Махсус қизиқишлар – бу инсоният фаолиятининг қандайдир соҳа мазмунига бўлган қизиқишлари бўлиб, бу қизиқишлар ана шу турдаги фаолият билан касб тариқасида шуғулланиш мойиллигига ўсиб кўтарилади. Билишга доир қизиқиш бу ўринда фаолият усуллари ва услубларини амалий равишда эгаллаб олишни рағбатлантиради.

Бирор меҳнат ёки ўқув фаолиятида қизиқишнинг пайдо бўлиши бу фаолиятга нисбатан қобилиятларнинг уйғониши билан чамбарчас боғлиқлиги ва қобилиятларнинг ривожланиши учун дастлабки замин сифатида хизмат қилиши қайд этилган.

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу - заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли

бўлишини хоҳлайди, “Мен ақллиман” демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. “Ақлсиз, нодон” деган сифат эса ҳар қандай одамни, хаттоки, ёш болани ҳам ҳафа қилади. Яна шу нарса характерлики, айниқса, бизнинг шарқ халқларида бирор кимсага нисбатан “ўта ақлли” ёки “ўта нодон” иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: “Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота - онасини куйдираётган эмиш” деган иборалар аслида “ақллилик” категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита

алокадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ходисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради.

“Интеллект” сўзининг луғавий маъносини таҳлил қилганимизда латинча сўз - intellectus - тушуниш, билиш ва intellectum - ақл сўзлари негиздан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл - идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Бунини биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари - келажакнинг XXI аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота - боболариникидан анча юқори. Ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турлари жуда тез ўзлаштириб олмоқда, жаҳон тилларидан бир нечтаси билиш кўпчилиги учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оилада илк ёшлигидан маърифий муҳитда тарбияланса, унинг дунёқараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштириши олади. Ҳаттоки, бундай болага олий ўқув юртида бериладиган айрим предметлар мазмуни ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайди.

1.3. Умумий ва махсус қобилиятларнинг таълим фаолиятидаги роли

Шахс эгаллаши шарт ҳисобланган фаолият, у хоҳ таълим, хоҳ меҳнат, хоҳ ўйин, хоҳ спорт бўлишидан қатъий назар, унинг билиш жараёнларига, ақлий ҳислатларига, сенсаматор соҳасига, характереологик хусусиятларига муайян талаблар қўяди ва уларнинг ҳамкорликдаги саъи-ҳаракатлари туфайли муваффақиятларга эришилади. Психологик маълумотларга қараганда, инсондаги юксак кўрсаткичга эришган сифат ҳарчанд устиворликка эга бўлмасин, у талабларни қондириш имкониятига эга бўлмайди. Айрим ҳолларда алоҳида намоён бўлган психик хусусият (ҳислат) фаолиятининг юксак маҳсулдорлиги ва самарадорлигини таъминлаш қурбига эга, у қобилиятлар уддалай оладиган имконият билан баб-баравар куч қувват тариқасида вужудга келади, деган фараз ўзини оқламайди. Шунинг учун қобилиятлар мураккаб тузилишига эга бўлган психик сифатлар(ҳислатлар) мажмуасидир дейиш жуда ўринлидир.

Қобилиятлар сифатида рўёбга чиқадиган психик ҳислатлар мажмуасининг тузилиши яққол ва алоҳида фаолият талаби билан белгиланганлиги туфайли ҳар қайси турдаги фаолиятлар учун ўзига хос тарзда қуйилиши тўрган гап. Бунинг учун айрим мисолларни таҳлил қилиб ўтамиз:

1) Математик қобилият: математик материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қисқартириш математик иш-амалларни камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижаси ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тесқари фикр юритишдан енгиб ўтишлик, масала ечишда фикр юритишнинг эпчиллиги кабилар;

2) Адабий қобилият; Нафосат ҳисларининг юксак тараққиёт даражаси, хотирада ёрқин кўргазмали образларнинг жонлилиги, “тил зеҳни”, беҳисоб ҳаёлот, руҳиятга қизиқувчанлик, ўзи ифодалашга интилувчанлик ва бошқалар. Ажратиб кўрсатилган қобилиятлар таркибидан кўриниб турибдики, математик ва адабий қобилиятлар ўзаро бир-бирига ўхшамаган талабларни қўшган ҳолда тафовутга эгадир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, педагогик, муסיқавий, техник, канструкторлик, тиббий қобилиятлар ва шунга ўхшаш

қобилиятлар тузилиши махсус хусусиятга эга бўлиб, касбий аҳамият касб этиши мумкин.

Яққол қобилиятлар тузилишини ташкил қилувчи шахснинг ҳислатлари, фазилатлари орасида маълум туркуми етакчилик, устуворлик қилса, айримлари ёрдамчилик вазифасини бажаради. Маълумки, педагогик қобилиятлар тузилишида етакчи ҳислатлар сифатида педагогик одоб(такт), болаларни севиш, ўқувчилар жамоасини ташкил қилиш ва уни бошқариш, кузатувчанлик, талабчанлик, билимларга чанқоқлик, билимларни узатишга ўқувчанлик ва шунга ўхшашлар тан олинади. Ўқитувчилик қобилиятининг ёрдамчи(қўшимча) фазилатларига қуйидагилар киради- артистлик, нутқий қобилият, диққатни тақсимлаш, академик қобилиятлар ва ҳоказо. Педагогик қобилиятларнинг етакчи(асосий) ва ёрдамчи (қўшимча) таркиблари, жабҳалари таълим жараёни муваффақиятини таъминлайдиган бирликни (бирикувни) юзага келтиради ҳамда ўқитувчи шахси билан боғлиқ бўлган ҳамкорлик, индивидуал фаолиятини ташкиллаштиради, қобилиятлардан муайян даражада умумий ва тарқоқ маънода махсус сифатларни ажратиш орқали маълум туркум тузилишини юзага келтириши мумкин.Бундан келиб чиққан ҳолда қобилиятларни умумий ва махсус қобилиятлар гуруҳига ажратиш мақсадга мувофиқ. Умумий қобилиятлар (сифатлар) махсус қобилиятларга (сифатларга) зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас. Шахснинг умумий қобилиятлари уларни ҳосил қилувчи олимлар яққол психологик ҳодиса ёки воқеликдир.Махсус қобилиятлар кўлам жиҳатидан торроқ бўлишига қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзларида мужассамлаштиради.

Рус олими И.П.Павлов ўз таълимотида “бадий”, “фикрловчи”, ”ўрта” типларга ажратилган шахсларнинг ана шу учта типдан биттасига таълуқли эканлигини тавсифлаб беради. Муаллиф ушбу типологияни яратишда олий нерв фаолиятининг биринчи ва иккинчи сигнал системасидан иборатлиги тўғрисидаги таълимотга асосланади. Биринчи сигналлар системаси образлар эмоциялардан ва иккинчи сигнал системаси эса образлар ҳақида сўзлар орқали сигнал беришдан иборатдир. Иккинчи сигналлар системаси И.П.Павлов

томонидан “сигналларнинг сигнали”деб номланган эди. Ушбу типологияни осонроқ қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин:

1) Шахс психик фаолиятида биринчи сигналлар системасининг сигналлари нисбатан устунлик қилса, бу инсон “бадий” типга таълуқлидир;

2) Мабодо “сигналларнинг сигнали” нисбатан устувор бўлса- бу шахс «фикрловчи типга» муносибдир;

3) Агарда ҳар иккала сигналлар аралашиб кетган бўлса (бирортасининг устунлиги сезилмаса) - бу инсон “ўрта типга” мансуб одамдир;

Типологиянинг ўзига хос томонлари кискача ифодалаганда ёки тавсиф қилинганида қуйидагилар намоён бўлади:

1. “Бадий тип” учун бевосита у таассуротлар, шонли тасаввур, ёрқин идрок, ҳис-туйғулар (эмоциялар) натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлигига хосдир.

2. “Фикрловчи тип” учун масхумларнинг, мантикий тизилмаларнинг, назарий мулохазаларнинг, методик муаммоларнинг устунлиги мувофикдир.

Бадий типнинг мавжудлиги аклий фаолиятнинг заифлиги ёки аклнинг етишмаслигини билдирмайди, лекин бу уринда гап психикасининг образи жабхаларини фикрловчи томонлари устудан нисбатан устуворлиги ҳақида боради холос. Бирок шуни таъкидлаш лозимки, шахснинг иккинчи сигналлар системаси биринчи сигналлар системасидан устунлик қилади ва бу устуворлик мутлаклик хусусиятига эгадир. Маълумки, инсонларнинг ҳаёт ва фаолиятларида тил билан тафаккурнинг урни хал қилувчи аҳамият касб этади. Шахс томонидан борликни акс эттириш жараёни сўзлар, фикрлов воситасида руёбга чиқарилади.

Махсус қобилиятлардан бири ҳисобланган математик қобилиятни ўрганган психолог В.А.Крутецкий фикрига кўра, ҳар қандай фаолият тури шахснинг белгиланган сифатлари бирикмасини талаб қилади. Автор математик фаолиятни мувафаккиятли амалга оширишни таъминловчи хусусиятларни расмда келтирамиз.




В.А.Крутецкий аклий фаолиятнинг хусусиятлари бўлган математик қобилиятлар хақида гапириб, аввало ўқитувчилар уртасида бир мунча тарқалган янглиш фикр хақида тухталиб утади.

Биринчидан, математик қобилиятлар даставвал тез ва аниқ ҳисоблаш қобилияти чинаккам математик қобилиятларни таркиб топтириш билан ҳамма вақт ҳам боглик бўлавермайди. Иккинчидан, математикага қобилиятли бўлган ўқувчилар формулалар, ракамлар ва сонларни эслаб қолиш учун жуда яхши хотирага эга бўладилар, деб ҳисобланади.

Бирок математикадаги куп микдордаги ракамлар, фактлар, сонлар, формулаларни тез ва мустахкам эсда олиб қолиш қобилиятига анча кам асосланган.

В.А.Крутецкий математикага бўлган қобилиятлар, математик масалаларни идрок қилиш характериға таъсир кўрсатишини айтади. Қобилиятли ўқувчилар масалани идрок қилар эканлар, масалани муайян типи учун муҳим бўлган кўрсаткичларни ва муайян типи учун муҳим бўлмаган, конкрет вариант учун муҳим бўлган микдорларни дархол ажрата оладилар.



Қобилиятли ўқувчиларнинг (математик фаолият жараёнидаги) тафаккури: а) тез ва кенг умумлаштириш билан ; б) тугал хулоса чиқаришлар тенденцияси билан; в) фикрлаш жараёнларининг ҳаракатланганлиги, масалаларни ечишга ёндашишдаги нуктаи назарнинг хилма-хиллиги, бир аклий фаолиятдан иккинчисига осон ва эркин ўтиш билан; г) масалани ечишда аниқликка, оддийликка, рационалликка интилиш билан ҳарактерланади.

Математикага оид қобилиятли бўлган ўқувчиларнинг хотираси математик системаларнинг турли элементларига нисбатан турлича намоён бўлади.

Уларнинг хотираси умумлашган ҳарактерға эга. Масалаларнинг типлари ва уларни ечиш усуллари, фикрларнинг, далил ва исботларнинг схемалари тез эсда олиб қолинади ва мустахкам эсда сақланади. Конкрет маълумотларни,

ракамларни, сонларни эсда олиб қолишга келганда шуни айтиш керакки, у математик қобилиятларга нисбатан бетарфдир. Бундай ўқувчилар яхши ривожланган фазовий тасаввурлари билан фарқ қиладилар. Бирок бир канча масалаларни ечиш вақтида улар кургазмали образларга таянмасликлари мумкин.

Улар учун мантикийлик қайсидир маънода “образлилик” урнини эгаллайди, улар абстракт схемалар билан иш кўрган вақтларида кийинчиликларга дуч келмайдилар. (В.А.Крутецкий. Основы педагогической психологии. Тошкент. 1986. 240-бет)

Махсус қобилиятларнинг яна бир тури бадиий туридир. Шахснинг бадиий қобилияти унинг тилга, адабиётга, ижод қилишга нисбатан қобилиятларида ифодаланади.

Мактаб ўқувчиларининг адабий қобилиятини текшириш шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг қобилиятлилари қобилиятсизларидан, В.П.Ягункованинг маълумотлари бўйича, идрок қилишнинг аниқлиги ва хотираси билан, янги оригинал образ ва сюжетлар тўзишдаги тафаккур кучи ва тасаввури билан, ижодий вазиятнинг енгилгина юзага кеилиши билан, сўз бойлиги ва ва сезгиси билан фарқланадилар.

Қобилиятли ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари бўлади. Баъзи бирларида воқеликка мулохазали-мантикий муносабатда бўлиш устувор, учинчиларида эса буларнинг ҳар бир мужассам бўлди. С.П.Кудрявцева томонидан юқори синф ўқувчиларнинг адабий қобилияти устида ўтказилган тадқиқот адабиётга қобилиятли ўқувчиларнинг икки типи мавжудлигини кўрсатди;

Адабий-танқидий тип ва бадиий-ижодий тип. Биринчи тип бадиий асарларни тушунчалар асосида анализ қилишнинг ўсганлиги билан ажралиб туради, иккинчи тип эса бадиий асарларни уқиш вақтида ва адабий мавзуга баён ёзишда хаяжонланиш ва ижодий ёндошиш билан фарқланади. Юқори синф ўқувчиларида иншо бўйича ўтказилган синовларимиз уларнинг адабий қобилиятини аниқлашда муайян натижалар беради. Синовдан ўтказиш учун

учинчи синфларнинг 115 нафар ўқувчиси танлаб олинди. Уларга М.А.Шолоховнинг “Инсон тақдири” асари бўйича иншо ёзиш таклиф қилинди. Улар бу асарни уйларида уқиб келиб, сунг иншони синфда эксприментатор ёки унинг ассистенти хўзурида ёзадилар. Иншо мавзулари 4 гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга (28киши) бадиий типдаги иншолар танлаб олинди. Бу типдаги ўқувчилар асарда тасвирланган воқеаларни жуда равшан ва эмоционал ифодалай оладилар. Иккинчи гуруҳ ўқувчиларида (18киши) адабий-танқидий типдаги иншо утказилди. Бундай иншоларда асар мантикий анализ қилиниб, унга баҳо берилган. Учинчи гуруҳ (36киши) ўртача типга киради. Улар ўз иншоларида ҳар иккала типни ҳам қўшиб олиб, борадилар, лекин бу иншоларда бадиий жиҳат бўшроқ. Тўртинчи гуруҳ ўқувчиларига (33киши) содда такрорловчи типдаги иншолар киритилди. Бу типдаги ўқувчилар асарнинг сюжетини қайт хикоя қилиб қўя қолишган. Утказилган тадқиқотлардан фақат адабий-бадиий жиҳатдан истиснододли бўлган ўқувчилар ҳам аниқлаб олиниши ва ривожлантирилиши керак. Охиригилар ҳам ижодий қобилиятлиларга кирадилар. Адабий танқидчи асарнинг мазмунини шунчаки таҳлил қилиб қўя қолмайди, балки у ёзувчи асарининг эстетик сифатларини ҳам баҳолайди, бинобарин, сўз оркали ифодаланган гўзалликни у жуда назик ҳис қилади.

Адабий қобилиятни ўз вақтида аниқлаш уларнинг ривожланиши учун йўл очишдан иборатдир. Бу провардида жамиятга шоирлар, ёзувчилар, танқидчилар ва умуман, адабий асарларни чуқур тушунишга ҳамда воқеликдан олган ўз таассуротларини бадиий шаклда ифодалашга қодир одамларнинг янги ўринбосарларини тайёрлаш демакдир. Адабий қобилиятни аниқлаш- бу кўпгина ўқувчининг тўғри йўлга солиш ўзида яширинган имкониятни кўрсатиб бериш, шу билан бирга, уни ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда ўз кучларини тарбиялашга ундаш услубидир. Кимнинг нимага қодир эканлигини билиш ўқитувчига ҳам жуда муҳимдир, ана шунда у қобилиятли ўқувчиларга индивидуал тарзда ёндошади, улардаги адабий қобилиятни ривожлантиришнинг энг самарали усуллари белгилай олади.

2-БОБ. УМУМИЙ ВА МАХСУС ҚОБИЛИЯТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ МУАММОЛАРИ

2.1. Ўқувчиларнинг умумий қобилиятини “Дифференциал диагностик сўровнома” (ДДС) усулида ўрганиш

Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини илк ёшлиқдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда.

Таъкидлаб ўтганимиздек, қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тастлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб борувчи тестлар - топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаммолар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачароқ усуллари ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб - ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг “Профессионал - диагностик сўровнома” деб атади.

2.1.1-жадвал

Касблар уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлинади:				
П(Т) - табиат (ўсимлик, хайвонлар, микро- организмлар)	Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари)	Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар)	З(Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар)	Х (С)- бадий, иждодий образлар (тасвирий санъат, музыка).

Сўровнома шу турли касбларга мойилликни аниқлайди. Унга 20 жуфт саволлар киритилган бўлиб, текширилувчи махсус жавоб варақасида қай даражада у ёки бу машғулоти тури билан шуғулланишга мойиллигини белгилаши керак. Чунончи, ўша иш унга жуда ёқса, 3 та “плюс”, умуман ёқса - 2 та ва сал ёқса - 1 та плюс қўяди. Ёқмаса, мос ҳолда 3 та, 2 та ва 1 та “минус” белгиси қўйиши керак. Қуйида биз сизга шу сўровномани келтирамиз.

2.1.2-жадвал**Дифференциал - диагностик сўровнома**

1	хайвонларни парвариш қилиш	ёки	машина ва ускуналарга қараш
2а	касал одамларга ёрдам бериш, уларга қараш	ёки	жадвал, схема ва ҳм учун дастурлар тузиш
3а	китоблар, расм ва плакатлар сифатини назорат қилиш	ёки	ўсимликлар ҳолати ва ривожини кузатиш, парвариш қилиш
4а	материалларни қайта ишлаш(ёқоч, мато,метал, пластмасса)	ёки	товарларни харидорга етказиш(реклама, сотиш)
5а	Илмий - оммабоп	ёки	бадий асар (пьеса, концертлар)ни

	китобларни муҳокама қилиш		муҳокама қилиш
6а	хайвон болаларини парвариш қилиш	ёки	Малакаларни орттириш борасида ўртоқлар, кичик ёшлиларни машқ қилдириш
7а	расм ва тасвирлардан нусха кўчириш(ёки мусиқа асбобини тузатиш)	ёки	Юк кўратувчи воситани (кран, трактор, тепловоз) бошқариш
8а	Одамларга зарур маълумот етказиш (маълумотлар бюроси, экскурсияда)	ёки	кўргазма, витриналарни жиҳозлаш, пьеса ёки концертлар тайёрлаш
9а	нарсалар, маҳсулотлар, (кийим, техника) уйларни таъмирлаш	ёки	матн, жадвал, расмдаги хатоларни тўғрилаш
10	хайвонларни даъволаш	ёки 10б	қисоб-китоблар қилиш
11	Экинларнинг янги навини яратиш	ёки 11б	янги саноат маҳсулотларини лойиҳалаш, конструкция қилиш
12	одамлар ўртасидаги бахс, тортишувларда қатнашиш, уларни ишонтириш, тушунтириш	ёки 12б	чизмалар, схема ва жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниқлаш, тўғрилаш)
13	бадий ҳаваскорлик тўғараги ишида қатнашиш	ёки 13б	микроблар ҳаётини кузатиш ва ўрганиш
14	тиббиёт асбоб-	ёки	одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш

	ускуналарига хизмат кўрсатиш	14б	
15	кузатган ходиса, воқеалар тўғрисида тафсилот ёзиш	ёки 15б	воқеаларни бадиий бўёқларга акс эттириш
16	касалхонада лаборатория анализини ўтказиш	ёки 16б	касалларни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш, ташхис қўйиш
17	буюмлар ёки деворларни бўйаш, расмлар солиш	ёки 17б	биноларни монтаж қилиш, машина ҳамда ускуналарни йиғиш
18	тенгкурлар ёки кичик болалар билан походлар уюштириш	ёки 18б	сахнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19	чертежга қараб машина, кийимларни тайёрлаш, уй қуриш	ёки 19б	чизмачилик, чертежлар, хариталардан нусха кўчириш
20	ўсимликлар, боғ ва ўрмон хашоратларига қарши курашиш	ёки 20б	клавишли машиналарда ишлаш(ёзув машинкаси, телетайп, терув машинаси)

Ушбу сўровномага жавоб варақаси ҳам илова қилинади.

2.1.3-жадвал

ДДС нинг жавоб варақаси

П	Т	Ч	З	Х	П	Т	Ч	З	Х
1а	1б	2а	2б	3а	11а	11б	12а	12б	13а
3б	4а	4б	5а	5б	13б	14а	14б	15а	15б
6а		6б		7а	16а		16б		17а
	7б	8а		8б		17б	18а		18б
	9а		9б			19а		19б	
10а			10б		20а			20б	

Юқорида тавсия этилган сўровнома аслида шахснинг у ёки бу машғулотлар турига қизиқишини аниқлаш орқали унда ривожлантирилиши лозим бўлган малака ва кўникмаларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Чунки профессоинал маҳорат фақат билим, юксак малака ва тинимсиз меҳнат ҳисобига ривожланишини унутмаслик керак. Мамлакатимизда амалиётчи психологлар ўз фаолиятларида 9-синф ўқувчилари билан касбга йўналтириш бўйича ишларини кўпинча айна шу методикани ва Қизиқишлар харитаси усулини қўллайдилар. Бизнинг назаримизда фақатгина бў методикалар ўқувчиларнинг қобилиятларини тўғри ташҳис қилиб, аниқ хулоса чиқариш учун камлик қилади. Психологияда шахснинг махсус қобилиятларини аниқлаб берадиган методикалар жуда кўп. Фақат уларни тўғри танлаб, модификация қилган ҳолда қўллаш яхши самара беради. Демокчимизки, бир ёки икки методика билан ўқувчилар қобилиятини ўганиш билан чегараланмаслик лозим. Шу туфайли биз битирув малакавий иш бўйича олиб борган амалий тадқиқотларимизда ўқувчиларнинг умумий ва махсус қобилиятларини ўрганиш учун махсус методикаларни танладик.

2.2. “Техник қобилият тести” ва “Қисқа танлов тести” методикаларининг диагностик имкониятлари

Психологияда шундай махсус методикалар мавжудки, улардан шахснинг аниқ соҳаларга нисбатан қобилиятларининг даражаси тўғрисида аниқ малумот олиш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда қўлланилган “Техник қобилиятни аниқлаш усули” методикаси айнан ана шундай методикалар сарасига киритилади.

Рус психологлари томонидан ишлаб чиқилган ва психолог Х.Шарафутдинова ва унинг шогирди У.Шомуротовлар томонидан модификация қилинган “Техник қобилиятни аниқлаш усули” методикаси устида тадқиқот олиб бордик. Дастлаб методика билан танишиб чиқдик, кейин


эса ушбу тест ёрдамида тажрибаларини Термиз шаҳар 9-умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчиларида ўтказдик.

Техник қобилият тести 60 татопшириқдан иборат бўлиб 13 ёшдан юқори кишиларда касбга йўналтириш мақсадида қўлланилади. Синалувчиларга 60 та расм, яъни техник топшириқлар келтирилган расмлар хавола этилади. 1-мисол: икки вариантда, яъни А ва В вариантда хона тасвирларган. Биринчи хона камроқ жихозланган, иккинчи хона кўпроқ жихозланган. Шу ернинг ўзида синалувчига савол қуйидагича берилади: “Қайси хонада акс-садо яхшироқ тарқалиши учун қулайроқ қилиб мослаштирилган?”


Бу ерда тўғри жавоб камроқ жихозланган хона бўлади, сабаби парда ва бошқа жихозларнинг камлиги акс садони яхшироқ тарқалиши учун қулай ҳисобланади.

Қуйида “Техник қобилиятни аниқлаш усули” тести топшириқларидан намуналар келтирамыз.


1. Самолётлардан қайси бири ўнг томонга бурилмоқда?



2. Шестерналардан қайси бири 1 дақиқада энг кўп айланади?




3. Араваларнинг қайси бири тепалиеда ағдарилиши эҳтимоли бор?




4. Қайси ғилдирак рельсга оғирроқ ботади?




5. Нарвонлардан қайси бири ҳавфсизроқ?




6. Ғилдиракдаги қайси доғлар тезроқ айланади?



7. Зиналардан қайси бири хонада камроқ жойни эгаллайди?




8. Қайси киши оғирроқ юк кўтариши мумкин?



9. Агар икки киши ядрони белгиланган йўналишда силжитса у қайси томонга юмалаши мумкин?




10. Буюмларнинг қайси бири оғирроқ материалдан ясалган?



11. Қайси киши оғирроқ юк кўтаряпти?



12. Деворлардан қайси бири қишда иссиқликни яхши ушлаб туради?



“Техник қобилият тести” бўйича тадқиқотларимизни Термиз шаҳар 7-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиларидан 50 нафарида олиб бордик ва ўзига хос натижаларни қўлга киритдик. Синалувчиларнинг тест бўйича натижаларини баҳолашда ҳар бир тўғри жавобга бир баллдан баҳо берилди. Натижаларни баҳолашда қуйидаги мезонга асосландик:

1. 50-60 баллар Техник қобилияти юқори даражада.
2. 40-49 баллар Техник қобилияти ўртачадан юқори даражада
3. 25-39 баллар Техник қобилияти ўртача даражада
4. 16-24 баллар Техник қобилияти ўртачадан паст даражада
5. 15 ва ундан кам балл Техник қобилияти паст даражада

2.2.1 жадвал


Синалувчиларнинг техник қобилият тести бўйича кўрсаткичлари.

№	Синалувчи	Тўпланган балл	Техник қобилият даражаси				
			юқори	ўртадан юқори	ўртача	ўртадан паст	паст
1	А.Ф.	210		+			
2	А.С.	152				+	
3	А.Ж.	150				+	
4	А. Х.	243	+				
5	Б. Ф.	206			+		
6	Б. О.	215		+			
7	Б. Ҳ.	235		+			
8	Б. А.	219		+			
9	Ё. И.	216		+			
10	Ж. А.	200			+		
11	Ж. И.	242	+				
12	З. Н.	143				+	
13	Й. Б.	236		+			
14	Й. Ф.	214		+			

15	Й. Э.	220		+			
16	Қ.Ж.	138					+
17	К. Б.	243	+				
18	Л. Ж.	200			+		
19	М. Қ.	182			+		
20	М. С.	224		+			
21	М. О.	216		+			
22	Н.К.	142					+
23	Н. А.	254	+				
24	Н. Б.	247	+				
25	О. И.	194			+		
26	О.У.	180			+		
27	П. З.	250	+				
28	П. П.	255	+				
29	Р. Р.	114					+
30	Р. К.	124					+
31	Р.С.	220		+			
32	Р.Ғ.	192			+		
33	С. Ш.	166				+	
34	С. Т.	143				+	
35	У. А.	200			+		
36	Ү. Б.	220		+			
37	Х.А.	132					+
38	Х. Х.	150				+	
39	Х. Ф.	224		+			
40	Х. О.	192			+		
41	Х. Т.	228		+			
42	Х. Р.	145				+	
43	Х. У.	134					+

44	Ч.И.	216		+			
45	Ч.О.	134		+			
46	Ш. А.	152				+	
47	Ш. А.	216		+			
48	Э. С.	203			+		
49	Э.Ф.	215		+			
50	Я. Ф.	216		+			
Жами		9610 \192	14%	38%	20%	16%	12%

Энди жадвалдаги маълумотларни гистаграмма шаклда кўргазмани холда ифодалаймиз.



Тадқиқотимизда қўлланилган навбатдаги методика ҚТТ эди.

Қисқа танлов тести умумий ақлий қобилият тестлари қаторига киритилган бўлиб, “умумий қобилият” ларнинг қуйидаги интеграл кўрсаткичларини аниқлашга мўлжалланган.

- Материални умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- Тафаккурнинг эгилучанлиги;
- Тафаккурнинг кўчувчанлиги;
- Тафаккурнинг эмоционал жиҳатлари: фикрнинг чалғиши;
- Идрокнинг тезлиги ва аниқлиги;

- Тилдан фойдаланиш (саводхонлик);
- Мўлжал олиш ёки қулай усулни танлаш;
- Фазовий ҳаёл.

Яъни “Қисқа танлов тести”нинг таркибида 8 та шкала бўлиб, уларнинг ҳар бири интелектнинг алоҳида шкалалар характеристикаси, шкалаларга таалукли саволлар ва уларнинг ечимлари ҳақида тўхталиб ўтамиз:

1) Материални умумлаштириш ва таҳлил қилиш: бунда топшириқларни тўғри бажариш учун аниқ иборани мавҳумлаштириш (абстракция) дан мазмунли таҳлил қилиш соҳасига ва бу соҳадан аниқ иборага қайтиш зарур. Ушбу категорияга тестнинг 16,20,21,31,36,47,48- жами 7 та топшириқларни киритилган. Жумладан, 16-топшириқ: Қуйида келтирилган сўзларни шундай тартибда жойлаштирингки, улардан тўғри гоп ҳосил бўлсин. Жавоб сифатида охириги сўзнинг охириги ҳарфини белгиланг:

Ҳаммага манзур бола одобли

1	2	3	4	5
Ж	а	с	у	р

Бунда жавоб рақами 5. Яъни тўғри жавоб “Одобли бола ҳаммага манзур” шаклида бўлганлиги учун охириги “манзур” сўзининг охириги ҳарфи “р” ҳисобланади.

2) Тафаккурнинг эгилувчанлиги: бунда киритилган топшириқлар тафаккурнинг ихчамлиги ва эпчиллигини талаб қилади. Агар синалувчи бу категорияга таалукли топшириқларни тўғри бажара олмаса, айтиш мумкинки синалувчининг ассоциатив боғланишлари тартибсиз бўлиб, бу жараёнлар тўхтаб қолмайди. Ушбу категорияга 11, 19, 28, 35, 38, 41, 43- жами 7 та топшириқ киритилган. 11-топшириқ: “Тақиллаш” ва “Оқим” сўзлари бир-бирига мазмунан: 1. Ўхшаш; 2. Қарама-қарши; 3. Ухам бу ҳам эмас. Бу ерда тўғри жавоб 3-ҳисобланади. Чунки бу икки сўз бир-бирига ўхшаш ҳам мазмунан қарама –қарши эмас. 28- топшириқ: “Еймоқ” ва “Тортмоқ” сўзлари мазмунан: 1. Ўхшаш. 2. Қарама-қарши; 3. Ухам бу ҳам эмас. Бу ерда тўғри

жавоб 3- хисобланади. Чунки бу икки мазмунан бир-бирига ўхшаш ҳам қарама қарши эмас.

3) Тафккурнинг кўчувчанлиги: Ушбу категорияга киритилган топшириқлар бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тескор кўчишни талаб қилади. Тестдаги хилма-хил топшириқлар қатори аввалги тажрибалардан фойдаланишда кўчувчанликни юзага келтиради. Бундай кишилар танлаган иш услубини қийинчилик билан ўзгартирадилар, ўз фикрлаш жараёнини ўзгартиришга, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўтишга қийналадилар. Уларнинг интеллектуал жараёнлари сустр ва ишлаш темпи секин. Шунингдек, ақлий фаолият маҳсуллари ҳам кам. Ушбу ктегория ўз ичига 1, 4, 5, 7, 25, 5 та топшириқни олади.

1-топшириқ: Йилнинг 11- ойи – бу: 1.Октябрь; 2. Май; 3. Ноябрь; 4. Февраль; 5. Июнь. Бу нрла тўғри жавоб 3- хисобланади, уил 12- ойдан иборат бўлиб, 12- чи ойи декабрь, 11-чи ой ноябрь ҳисобланади.

4-топшириқ: 82, 97, 114, 133,.....? Нуқталар ўрнига етишмайдиган сонни топинг. 1. 154; 2. 148; 3. 152; 4. 150; 5. 156. Бу ерда биринчи жавоб тўғри ҳисобланади.чунки бу сонлар қатори ўртасидаги боғлиқлик шундан иборатки, уларга кўпайиб боровчи сонлар қўшилиб борган. Масалан, 97 сони 82 сонига 15 ни қўшиш натижасида ҳосил бўлган, 114 сони эса 97 сонига 17 ни қўшиш, 133 эса 114 сонига 19 ни қўшиб ҳосил қлинган. Шу сасабли 133 га 21 ни қўшсак 154 ҳосил бўлади. Демак, тўғри жавоб 154 ҳисобланади.

Ушбу категорияга таалуқли барча топшириқлар синалувчилардан бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тезкор кўчишни, яъни тафаккур кўчувчанлигини талаб қилади.

4) Тафаккурнинг эмоционал жихатлари (фикрнинг чалғиши): тафаккур объектга, муаммога фаол йўналтирилган бўлиши шарт. Тестнинг бир қатор топшириқлари тафаккурнинг эмотционал бузулиши хос бўлган синалувчиларнинг кўрсаткичларини тушуриб юборади. Бундай синалувчилар кула бошлайдилар, экспериментаторга мурожаат қиладилар.Бундай кишилар муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан импульсив тасирланиш

билан характерланади. Бу категорияга 24, 25, 26, 27, 30, 31, 39, 44, 46, 50 жами 11 та топшириқ киритилган.

24-топшириқ: Барча илғор кишилар демократик партия аъзосидирлар. Барча илғор икишилар юқори лавозимларни эгаллашган. Барча демократик партия аъзолари юқори лавозимларни эгаллашган.

Тасаввур қиламиз биринчи икки гап тўғри . У ҳолда хулоса қуйидагидек бўлади. 1.Тўғри; 2. Нотўғри; 3.Ноаниқ; Бу ерда жавоб 1 ҳисобланади. Тўғри жавобни топиш учун топшириқнинг эмотционал жихатларини енгиб, унинг мантикий ечимини топиш лозим.

27-топшириқ: 5 та ярим икилограммли кутилардаги гўшт қиймалари 2 доллар туради. 80 сентга неча килограмм қийма сотиб олиш мумкин?

1. 1.5кг; 2. 4кг; 3. 1кг; 4. 3кг; 5. 2кг . Бу ерда тўғри жавоб 3, яъни 1 килограмм қийма сотиб олиш мумкин. Бу топшириқни тўғри ҳал қилиш учун синалувчи аввал 2 доллар турадиган қийманинг жами 2.5кг эканлигини аниқлаш лозим, бунинг учун $5 \times 0.5 = 2.5$ бўлади. Шундан сўнг ҳар бир 0.5 кг қийманинг нархи аниқланади. Бунинг учун 2 доллар 2.5 га бўлинади ва натижа 40 сентга тенг эканлиги маълум булади. 0.5 кг 40 сентга тенг бўлса, 80 сентга 1 кг қийма сотиб олиш мумкин.

Ушбу категорияга таалуқли бўлган барча топшириқлар шу тартибда таҳлил қилинади. Бу топшириқларни тўғри жавобини топиш учун синалувчининг тафаккури объектга , муаммонинг ечимни топишга йўналтирилган бўлиши шарт, акс ҳолда унинг кўрсаткичлари тушиб кетиши мумкин.

5) Идрокнинг тезлиги ва аниқлиги (диққатнинг булиниши, марказлашуви): тестнинг бир қатор топшириқлари шахснинг расмийатчилик қобилиятини аниқлашга мўлжалланган. Олий маълумотли мутахасислар, бошлиқларнинг иши қисқа вақт ичида таҳлил қилиниши, асосий мазмунини ажратишни, сонларни солиштиришни талаб қилади. Ушбу категория саволлари 1, 10, 12, 13, 18, 33, 42 жами 6 та топшириқдан иборат.

10-топириқ: Бир киши бир нечта автомобилларни 3500 долларга сотиб олди ва 5500 долларга сотди. Ҳар бир автомобилдан 50 доолрдан фойда қолган бўлса, у неа дона автомобил сотган? 1. 4дона; 2. 12дона; 3. 23дона; 4. 40дона; 5. 55дона.

Бу ерда тўғри жавоб 4, яъни 40 дона автомобил сотгани тўғри жавоб ҳисобланади. Чунки 3500 доллага сотилган ва 2000 доллр фойда олинган. Ҳар бир автомобилдан 50 доллрдан фойда олинган бўлса, демак 2000 доллар, яъни умумий фойдани битта автомобилдан олинган фойдага бўлинади ($2000:50=40$) ва тўғри жавоб 40 га тенг бўлади.

33- топириқ: 46 размердаги аёллар кўйлагини тикиш учун 2 м 10 см мато керак бўлади. 42 метр матодан нечта шу размурдаги кўйлак тикиш мумкин?

1) 14 та, 2) 28 та, 3) 20 та, 4) 32, та, 5) 17та;

бу ерда тўғри жавоб 3 (уч) яъни 20 та ҳисобланади. Бунинг тўғри жавобини топиш учун 42 метрни 2 метр 10 см га бўлиш лозим:

$42 \div 2,10 = 20$. Бу каби тест топшириқлари синалувчидан идрокнинг тезлиги ва аниқлиги каби сифатларни талаб қилади.

6) Тилдан фойдаланиш (саводхонлик) Ушбу категорияга тааллуқли топшириқлар синалувчиларнинг тилдан тўғри фойдаланиш, саводхонлик, чет тилидан элементар билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган. Ушбу категорияга 2, 3, 6, 8, 9, 13, 14, 15, 22, 40, 45, жами 11 та топшириқлар киритилган.

2- топириқ: Баджаҳл сўзи сўзига мазмунан қарама-қарши .

1) шиддатли, 2) қаттиққўл, 3) мулойим, 4) дангал, 5) саботли.

Бу ерда тўғри жавобни топиш учун синалувчи антоним (бир-бирига қарама-қарши) сўзини топиш керак, яъни тўғри жавоб 3 (уч) «мулойим» сўзи ҳисобланади. Чунки бу икала сўз бир-бирига мазмунан қарама-қарши ҳисобланади.

9-топириқ: “Тушунарли” сўзисўзига мазмунан қарама-қарши.


1) равшан; 2) ошкора; 3) дангал; 4) яққол; 5) мўлжал. Бу ерда тўғри жавоб 5 “мўлжал” сўзи ҳисобланади, чунки қолган сўзлар тушунарли сўзига синоним.

Ушбу категорияга таалукли сўзлар синалувчиларнинг нутқ ва тилдан фойдаланиш қобилиятларини текширади, шунингдек чет тилига оид элементлар билимларни синаб кўради.

7) Қулай усулни танлаш. Мўлжал олиш: Кўрсатмага биноан тест топшириқларини исталган кетма-кетликда бажариш мумкинлигини тақозо этади. Айрим синалувчилар масалан сонлар қатори ёки вербал топшириқларни осон ечадилар. Улар барча топшириқларни кўз югуртириб аввал ўзлари учун энг қулайларини кейинчалик эса бошқа типдаги топшириқларни бажаришга қайтадилар. Ушбу усул бўйича натижалар синалувчининг топшириқларни бажаришдаги ҳаракатлари ҳисобланади.

8) Фазовий ҳаёл. Тестда икки ўлчамли фазовий жараёнлар билан боғлиқ бўлган тўртта топшириқ келтирилган. Булар 17, 29, 32, 49- 4 та топшириқлардир.


32-топшириқ: Қуйидаги шакллардан 3 тасини шундай тартибда жойлаштириш керакки, улардан тенг томонли трапеция ҳосил бўлсин.



- 1) 3, 2, 1; 2) 2, 3, 5; 3) 3, 4, 5; 4) 1, 4, 2; 5) 1, 3, 4.

Бу ерда тўғри жавоб 4. Яъни 1, 4, 2 ҳисобланади, чунки шакл шакллариини шу тартибда жойлаштирганда тенг томонли трапеция ҳосил бўлади.

4) 49-топшириқ: Қуйидаги шакллардан қайси бири бошқларидан кўпроқ фарқ қилади?



Бу ерда тўғри жавоб 3. Чунки бу шакл учбурчак, қолганлари эса кўпбурчак ҳисобланади.

Ушбу категорияга тааллуқли топшириқлар текшириш имконини беради.

Хуллас ушбу тест юқорида келтирилган омиллар бўйича синалувчиларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаб беради.

Тест топшириқларини бажариш бўйича синалувчиларга қуйидагича кўрсатма берилади: “Сизга тақдим этилаётган ушбу тест 50та савол ва топшириқдан иборат. Тест топшириқларини бажариш учун сизга 30 минут вақт берилади. Саволларга имкониятингиз етганича жавоб беринг ва битта савол учун кўп вақт сарфламанг, чунки умумий вақт чегараланган”.

Синалувчига кўрсатма билан танишганидан сўнг экспериментаторнинг “Бошладик!” буйруғидан билан кейинги варақни очиб ишни бошлайди ва шу вақтдан белгиланади. 30 минутдан сўнг экспериментаторнинг “Тухтатинг!” буйруғи билан иш тўхтатилади.

Ушбу методика бўйича тажрибаларда ҳам “техник қобилият” тестида иштирок этган барча синалувчилар қатнашдилар ва қуйидаги кўрсаткичларга эришдилар.

2.1.2-жадвал

ҚТТ бўйича синалувчиларнинг кўрсаткичлари

№	Синалув-чилар	Тўпланган балл	Ақлий қобилият даражалари				
			юқори	Ўртадан юқори	ўртача	Ўртачадан паст	паст
1	А.Ф.	101			+		
2	А.С.	100			+		
3	А.Ж.	137	+				
4	А. Х.	149	+				
5	Б. Ф.	98			+		
6	Б. О.	92			+		
7	Б. Х.	112			+		

8	Б. А.	102			+		
9	Ё. И.	96			+		
10	Ж. А.	94			+		
11	Ж. И.	151	+				
12	З. Н.	101			+		
13	Й. Б.	133		+			
14	Й. Ф.	120			+		
15	Й. Э.	106			+		
16	Қ. Ж.	77			+		
17	К. Б.	157	+				
18	Л. Ж.	94			+		
19	М. Қ.	134	+				
20	М. С.	90			+		
21	М. О.	92			+		
22	Н. К.	67				+	
23	Н. А.	136		+			
24	Н. Б.	104			+		
25	О. И.	97			+		
26	О. У.	115		+			
27	П. З.	88			+		
28	П. П.	89			+		
29	Р. Р.	94			+		
30	Р. К.	96			+		
31	Р. С.	142	+				
32	Р. Ф.	98			+		
33	С. Ш.	139	+				
34	С. Т.	102			+		
35	У. А.	87			+		
36	Ў. Б.	156	+				

37	Х.А.	98			+		
38	Х. Х.	106			+		
39	Х. Ф.	156	+				
40	Х. О.	140		+			
41	Х. Т.	95			+		
42	Х. Р.	93			+		
43	Х. У.	105			+		
44	Ч.И.	85			+		
45	Ч.О.	52					+
46	Ш. А.	64				+	
47	Ш. А.	100			+		
48	Э. С.	93			+		
49	Э.Ф.	102			+		
50	Я. Ф.	52					+
	Жами	5218\ 104	18%	8%	66%	4%	4%

Натижаларни қуйидагича гистограммада кўргазмали ҳолда ифодалаймиз.



2.2. “Қисқа танлов тести” ва “Техник қобилият тести” натижалари таҳлили

Тадқиқот ишимизнинг диагностик босқичида 50 нафар ўқувчилар иштирок этдилар. Улар тадқиқотимизда қўлланилган иккала методика бўйича ўтказилган тажрибаларда иштирок этдилар. Яъни 50 нафар синалувчиларнинг 2 та қобилият тести бўйича натижаларини қўлга киритдик. Натижаларни таҳлил қилишда психологик тадқиқотларда қўлланиладиган математик статистика методикаларидан К.Пирсон корреляцияси формуласидан фойдаландик. “Қисқа танлов тести” кўрсаткичлари билан “Техник қобилият тести” кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилдик.

2.2.1- жадвал

Синалувчиларнинг ҚТТ ва “Техник қобилият” тести бўйича кўрсаткичлари

№	x	dx (x-x)	dx ² (x-x) ²	y	dy (y- ŷ)	dy ² (y- ŷ) ²	dx dy (x-x)(y-ŷ)
1	101	-3	9	210	18	324	-54
2	100	-4	16	152	-40	1600	160
3	137	-33	1089	150	-42	1764	1386
4	149	45	2025	243	51	2601	2295
5	98	-6	36	206	14	196	-84
6	92	-12	144	215	23	529	-276
7	112	8	64	235	43	1849	344
8	102	-2	4	219	27	729	-54
9	96	-8	64	216	24	720	-192
10	94	-10	100	200	8	64	-80
11	151	47	2209	242	50	2500	2350
12	101	-3	9	143	-49	2401	147
13	133	29	841	236	44	1936	1276
14	120	16	256	214	22	484	352

15	106	2	4	220	28	784	56
16	77	-27	729	138	-54	2916	1458
17	157	53	2809	243	51	2601	2703
18	94	-10	100	200	8	64	-80
19	134	30	900	182	-10	100	-300
20	90	-14	196	224	32	1024	-448
21	92	-12	144	216	24	576	-288
22	67	-37	1369	142	-68	4624	2516
23	136	32	1024	254	62	3844	1984
24	104	0	0	247	55	3025	0
25	97	-7	49	194	2	4	-14
26	115	41	1681	180	-12	144	-492
27	88	-16	256	250	58	3364	-928
28	89	-15	225	255	63	3969	945
29	94	-10	100	114	-78	6084	780
30	96	-8	64	124	-68	4624	544
31	142	38	1444	220	28	784	1064
32	98	-6	36	192	0	0	0
33	39	-65	4225	166	-26	676	1690
34	102	-2	4	143	49	2401	-98
35	87	-17	289	200	8	64	-136
36	156	52	2704	220	28	784	2456
37	98	-6	36	132	-60	3600	360
38	106	2	4	150	-42	1764	-84
39	156	52	2704	224	32	1024	1564
40	140	36	1296	192	0	0	0
41	95	-9	81	228	36	1296	-324
42	93	-11	121	145	-47	2209	517
43	105	1	1	134	-58	3364	-58

44	85	-19	361	216	24	576	-4546
45	52	-52	2704	134	42	1764	-2184
46	64	-40	1600	152	-40	1600	1600
47	100	-4	16	216	24	576	96
48	93	-11	121	203	11	121	-121
49	102	-2	4	215	23	529	-46
50	52	-52	2704	216	24	576	-1248
Жами	5218	-59	36950	9610	340	79152	20598

Жадвалда келтирилган.

- 1) x -синалувчиларнинг ҚТТ бўйича кўрсаткичлари.
- 2) dx ёки $(x-\hat{x})$ - ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматдан фарқи.
- 3) dx^2 ёки $(x-\hat{x})^2$ - ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматдан фарқларининг квадратлари.
- 4) y - синалувчиларинг “Техник қобилият” тести бўйича кўрсаткичлари.
- 5) dy ёки $(y-\hat{y})$ - ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматдан фарқи.
- 6) dy^2 ёки $(y-\hat{y})^2$ ҳар бир кўрсаткичлар ўртача арифметик қийматдан фарқларининг йиғиндиси.
- 7) $dx dy$ ёки $(x-\hat{x})(y-\hat{y})$ –ўртача арифметик қийматдан фарқларнинг кўпайтмасидан иборат.

Пирсон корреляцияси инглиз олими Карл Пирсон томонидан иккита кўплик ўртасидаги статистик боғлиқликнинг мавжудлигини аниқлайди. Ушбу формула r ҳарфи билан белгиланади.

$$\sum dx \sum dy$$

$$R = \frac{\sum dx dy}{\sqrt{\sum dx^2 \sum dy^2}}$$

$$\sqrt{\sum dx^2 \sum dy^2}$$

Формулага натижаларни киритгунча x , y ларнинг ўртача арифметик қиймати топилади. Яъни $x = m \setminus n$ бу ерда m - 50 нафар синалувчиларнинг ҚТТ бўйича тўплаган умумий баллари йиғиндисидан иборат, n -синалувчиларнинг умумий сони. Яъни $x = 5218 \setminus 50 = 104$ эса $\hat{y} = m \setminus n$ формула билан топилади. Бу ерда ҳам худди x даги каби m - “Техник қобилият тести” бўйича синалувчилар тўплаган умумий балларнинг йиғиндисига тенг, n - эса синалувчиларнинг сонидан иборат. Демак $\hat{y} = 9610 \setminus 50 = 192$

x ва y нинг ўртача қиймати топилгандан сўнг жадвалдаги устунлар тўлдирилади. Энди натижаларни формулага қўйиб маълумотни текшираимиз.

$$R = \frac{\sum dx \sum dy}{\sqrt{\sum dx^2} \sqrt{\sum dy^2}} = \frac{-229 \cdot 340}{\sqrt{55876} \cdot \sqrt{79152}} = \frac{-77860}{\sqrt{4422526004}} = \frac{-77860}{66502} = -1.17$$

2.3. Ўқувчиларнинг индивидуал фаолият услуби ва касб танлашга йўналтиришда амалиётчи психологнинг вазифалари

Ўқувчиларнинг индивидуал фаолият услуби уларнинг умумий ва махсус қобилиятлари ва қизиқишлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шах фаолиятиснинг индивидуал услуби (ФИУ) – меҳнатда, ўқишда, спортда ва бошқаларда шахсга хос малакалар, фаолиятни бажариш методлари, услублари бўлиб, у кишининг бошлаган фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш борасида қўйилган масалаларни ҳал қилиш услубларидан иборат. Ҳар бир кишининг шахсий индивидуал хусусиятлари комплекси бирор фаолият тури талабларини фақат қисман қониқтириши мумкин. Шунинг учун киши онгли ёки онгсиз равишда ўзининг барча ижобий қобилияти ва куч қувватини мақсад қилинган ишни бажариш учун сафарбар қилади. Натижада шахсда ўзига хос индивидуал фаолият услуби шаклланади (ФИУ). Бу услуб муайян шахсга хос

типик иш услуби ва методларидан иборат. Масалан, ўз фаолиятининг иш суръати ва ритмини тезлаштириш эҳтиёжи туғилганда динамик типдаги одам қўйилган вазифаларни муваффақиятли хал қилади. Бунинг сабаблари ишчанлик, ҳаракатини осонгина тезлаштириш қобилиятига эга эканлиги ва бир ҳолатдин иккинчи ҳолатга ўтиш хусусиятларидан иборат.

Юқоридагидай вазиятда ланж одам (инерт ҳолатда) бутунлай бошқа воситалардан фойдаланади. У бу вазиятдан кутилиш чораларини қидиради, яъни у олдиндан хабар топиб сигналлардан тезроқ кутилишни ўйлайди, олдини олиш чора-тадбирларини топишга кўпроқ эътибор беради. Иш фаолияти жараёнида бундай инсоннинг ўзига хос услуб ва методлари шаклланади.

Бирор шахсга хос ФИУ универсал, «идеал нусха» сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. «Тажриба алмашув тариқасида» бир инсоннинг индивидуал иш фаолиятига етишишни бошқа инсонларга тавсия қилиш ёки мажбуран қабул қилдириш шундай ҳолатга олиб келадики, бундай одамлар уз фаолияти қўйган вазифаларни бажариш мумкин бўлмай қолади.

Таълим – тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳар-бир шахсда ўз индивидуал фаолият услубини қарор топтиришга ёрдам беришдан иборат.

Касб танлаш ёшларни турли касблар билан таништириш учун керакли тадбирлар тизимидир. Профориентация ҳар-бир одамнинг индивидуал хусусиятлари ва жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда амалга ошириш учун қуйидаги маълумотларга эга бўлиши керак;

А) касбларга хос социал-иқтисодий характеристикалар бўлиб, уларда ҳар-бир касбга хос маълумотлар (уларнинг жамиятдаги ўрни, истиқболи, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти) батафсил ифодаланган бўлиши керак.

Б) технологик характеристикалар бўлиб, уларда касбга хос иш фаолиятининг таърифи ифодаланган бўлиши керак (иш қандай, қизиқарлими, ишлаб чиқаришда ўрни қандай ва ҳоказо):


В) тиббий физиологик ва сан-гигиеник характеристикалар бўлиб, иш шароити (зарарли ёки зарарсиз эканлиги), жамоавий муҳит, психологик вазият ва бошқалар.

Касбий йўналишни белгилаш жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Хаар қандай касбнинг шахс интилишлари ва хусусиятларига мос келиши меҳнат самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Хар-бир одамнинг интилишлари ва қобилиятларига мос касбни танлаш шахснинг ривож топиши учун муҳим омилдир. Мактаб ўқувчиларида касб танлашга қизиқишни шакллантириш ижобий иш фаолияти шаклланишига ёрдам беради ва ўқувчиларда мақсадга интилиш, қатъийлик ва ирода мустаҳкамлиги каби ижобий сифатларни яратади.

Ёшларни бирор меҳнат соҳаси бўйича касб танлашга тайёрлаш таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. Бунинг учун мактаб жамоаси ва мактабда фаолият кўрсатаётган амалиётчи психолог қуйидаги вазифаларни бажаришлари керак:

Касбий лаёқат – бу хар-бир одамнинг психологик ва психофизиологик хусусиятлари йиғиндисидан иборат. Бундай сифатлар меҳнат жараёнида эришилиши зарур бўлган натижаларни амалга ошириш учун керакли махсус билимлар, малакалар ва маҳоратларни эгаллаш жараёнида намоён бўлади. Касбий лаёқат тушунчасига хар бир одамнинг ўз меҳнатидан мамнун бўлиши меҳнатининг натижаларига берилган баҳо ҳам киради.

Касбий лаёқат - бу туғма, табиий сифат эмас, балки одамнинг меҳнат фаолияти натижасида шаклланадиган хусусиятдир. Муайян ижтимоий-иқтисодий ҳароитларда содир бўладиган меҳнат жараёнида фақат айрим функционал системалар ва кишининг психологик хусусиятлари шаклланади. Ммасалан, касбни идрок қилиш, хотира ва тафаккурнинг ривожланиши, балки киши шахс сифатида муайян йўналишдаги ўзига хос характерга эга бўлган шахснинг ижтимоий-профессионал типии таркиб топади.



Кўп ҳолларда кишининг касби унинг ташқи кўринишида ҳам ўз аксини топади. Касбий лаёқатни шакллантириш учун зарур бўлган вақт ҳар бир одамнинг табиий хусусиятлари, унинг касб танлашдаги мақсади ва етарли даражада ўз касбига тайёрлигига боғлиқ. Одамнинг касбий лаёқатлилигини белгилашда юқоридаги омилларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эгадир. Бу касбий лаёқатнинг шаклланиши доим индивидуал жараён эканлигини

билдиради. Бу жараёни ташкил этишда меҳнат касбини эгалловчи шахслар учун озми ёки кўпми даражада қудай шароитлар яратиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Аммо инсоннинг инсоннинг туғма қобилиятларига нисбатан бундай дейиш нотўғри. Чунки бир қанча минг йиллар давомида одам биологик мавжудот сифатида ўзгаргани йўқ, аммо унинг касблари, меҳнат жараёни доим ўзгариб келмоқда. Шунинг учун одамнинг меҳнат фаолиятига доир табиий шарт-шароитлар универсал характерда бўлиб, профессионал жихатдан одамга таъсири бетараф (нейтрал) ва ҳар бир кишига кенг доирада касб танлаш имконини беради. Касбий лаёқатни ўрганиш жараёнида ҳар бир индивидга ҳос психологик, психофизиологик, тиббий ва антропологик белгилар ҳисобга олиниши керак. Бунда фойдаланиш мумкин бўлган методик воситалар: профессионал билим ва малакаларни белгилаб берувчи тестлар («мақсадга эришув тестлари») ҳисобланади.

Касб танлаш муаммолари – бу инсонларнинг касб эгаллаш лаёқатини ўрганиш ва баҳолашга қаратилган махсус чора тадбирлардир. Касб танлашда қуйидаги тўртта омилга алоҳида эътибор берилади: тиббий, физиологик, педагогик ва психологик. Шундай қилиб, ўзининг моҳият ва белгиларига кўра касб танлашнинг самарадорлигини баҳолаш ижтимоий-иқтисодий тадбир ҳисобланади. Методлари бўйича эса кааб танлаш тиббий биологик ва психологик тадбирлар қаторига киритилади.

Касб танлашда психологик компонентининг моҳиятини, ҳудди шунингдек, унинг назарий асосларини киши қобилиятларининг диагностикаси ва прогнози ташкил этади. Шу сабабдан «профессионал танлов» тушунчаси ва «психологик танлов» кўпинча бир бирига яқин ҳисобланади. Психологик танловни муайян бир жараён ва система сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Психологик танлов жараёнининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат; дастлабки диагностик инфляцияни топи шва уларни қайта ишлаш, мазкур касб фаолияти бўйича шахснинг қобилиятини Аниқлаб бери шва Айни вақтда унинг шу касбга лаёқати даражасини баҳолаш, прогнози танланган одамларнинг профессионал лаёқатлилигига доир маълумотлар асосида текшириш (верификация).

Психологик танлов системаси асосланган ва экспериментал жихатдан текширилган ижтимоий диагностик методларни, керакли техник воситаларни ва текшириш ишларини олиб бориш чора тадбирларини ўз ичига олади. Бундан ташқарии, психологик танлов олинган маълумотларни умумлаштириш, дастлабки диагностик маълумотларни талқин (интерпретация) ва прогнозлар тузишни ўз ичига олади; менат фаолиятининг муваффақиятини баҳолаш белгилари (критерий), касб самарадорлиги(эффективлиги)ни кўрсаткичлари; прогнозларни қайта текшириш (верификация) учун лозим бўлган логик ва математик аппаратлар ҳам психологик танлов системасига киради. Бу системада диагностик услублардан фойдаланиш ва бу услубларнинг олиб борилаётган танлов ишларининг асосий диагностикасини белгилашга қаратиш керак.

Ўзинингдек мактабда 9-синф ўқувчиларининг умумий ва махсус қобилиятлари асосида уларни касбга йўналтириш мақсадида психологик ўйинларни ташкил этиш яхши натижалар беришини психологлар эътироф этганлар. Қуйида ана шундай касб ўйинларидан намуналар келтирамиз:

Касбга йўналтириш ўйинлари ва машқлари

“Мўъжизалар майдони”

Ўйиннинг мақсади: касблар оламининг турли-туманлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш, касбларнинг номларини билиш.

Ўйиннинг бориши: Иштирокчилар уч кишидан командаларга бўлинадилар. Биринчи команда ўйинни бошлайди, бирор бир касбнинг номини ўйлайди ва қолганларга фақат шу касбнинг номи нечта ҳарфдан тузилганлигини айтади. Соат стрелкаси бўйича кейинги команда ҳарф айтади. Агар бундай ҳарф касб номида бўлмаса биринчи команда бу ҳақида маълум қилади ва ўйинни кейинги команда давом эттиради. Агар айтилган ҳарф сўзда бўлса, унда биринчи команда бу ҳарфнинг нечталигини ва унинг сўздаги ўрнини айтади. Шу команда кейинги ҳарфни айтади. Касб номини топган команда кейинги касб номини ўйлайди ва ўйинни давом эттиради.

Ўйиннинг давомийлиги: 20-30 минут

“Ҳа-йўқ”

Ўйиннинг мақсади: касблар таснифи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, мантиқий фикрлаш кўникмаларини, касбий фаолият доирасида таснифлаш тушунчаларини аниқлаш ва ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи иштирокчиларни учтадан гуруҳларга бўлади. Гуруҳ иштирокчилари ўзаро ким- биринчи, ким-иккинчи, ким-учинчи бўлишини келишиб оладилар. Биринчи- бирор бир касб номини ўйлайди, лекин ҳеч кимга айтмайди. Иккинчининг вазифаси –имкони борича кам саволлар бериб, биринчи иштирокчи ўйлаган касбни топиши керак. Шундай саволлар бериш керакки, биринчи иштирокчи “ҳа ёки йўқ” деб жавоб бериши керак. Учинчи иштирокчи ўйиннинг боришини кузатади ва берилган саволларни санаб боради.

Касб номи топилгандан кейин иштирокчилар ролларини алмашадилар. Шу тариқа ҳар бир гуруҳ иштирокчиси ўзини турли ролларда (касб номини ўйловчи, топувчи, кузатувчи) санаб кўради.

Ўйинни муҳокама қилиш жараёнида кузатувчилар энг кам савол бериб касб номини топган иштирокчини аниқлайдилар. Касб номларини топувчилар иштирокчиларнинг қайси бирига касб номини топишга қийин бўлганини ва кимга осон бўлганини, қийинчиликларнинг сабабларини, вазифани тез бажариш имкониятлари ҳақида гапирадилар. Жавоб берувчилар касб номларини топувчиларнинг қайси саволлари энг фойдали ва муваффақиятли бўлганлигини ва уларни жавобни топишларида ёрдам берганлигини маълум қиладилар.

Ўйиннинг давомийлиги: 30-45 минут

“Пиктограмма” (рамзий белгилар)

Ўйиннинг мақсади: турли касблар вакилларининг меҳнат шароитлари ва мазмуни ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи иштирокчиларни учтадан гуруҳларга бўлади. Ҳар бир гуруҳ бирор бир касбнинг номини ўйлайди ва уни пиктограмма ёрдамида қоғозда акс эттиради. Танланган касбни таснифлашда фақат

расмлардан фойдаланиш мумкин, рақамлар ва харфлардан фойдаланиш тақиқланади.

Касбнинг пиктографик расми тайёр бўлганда, кейинги гуруҳга берилади ва улар акс эттирилган тасвирни таҳлили қиладилар ва касб номини айтадилар. Касб номини топишда урта уриниш рухсат берилади.

Бошловчи касбни тасвирлашга ва топишга вақт чегараланганини айтиб ўтади. Гуруҳларнинг бир қисми тасвирланган касбни топгандан кейин ўйин бошидан бошланади, лекин бу сафар пиктографик тасвир учинчи гуруҳга берилади. Шу тариқа, ўйин бир неча марта такрорланади. Ўйинни муҳокама қилишда иштирокчилар тасвирлаш жараёнида ва касб номини топишда қандай қийинчиликлар бўлганини, қандай касбларни топиш қийин бўлганини, шунингдек вазифани бажаришга нима ёрдам берганини аниқлайдилар.

Ўйиннинг давомийлиги: 30-45 минут

Уйга вазифа.

Ота-онангизнинг касби ҳақида иншо-интервью ёзиб келиш. Иншони ёзишда бу касбни қаерда ўрганганлиги, бу касбни эгаллашда қандай маълумотга, қандай сифатларга эга бўлиш кераклиги, бу касб нимаси билан қизиқарли? каби саволларга жавоб олишлари керак.

Касблар оламига кириш.

Баҳс мавзуси.

Нима учун мактабда ўқиш керак? Нима учун яхши ўқиш керак?

Бошловчи: “Ота-онангиз касби ҳақида гапириб беринг, сизнингча улар иш жойларида нима билан шуғулланадилар”

Топшириқ бажариб бўлингандан кейин ўқувчиларнинг ота-оналарининг касблари орасидаги фарқ ва ўхшашлик муҳокама қилинади.

“Ота-онангизнинг касблари ҳақида нималарни билиб олдингиз? Кимни ота-онасининг касблари бир хил? Кимнинг ота-онаси, ўз ота-онаси касбини давом эттиряпти? Кимнинг ота-онаси ўз касбини ўзгартирган, ва сиз уларнинг иккала касби ҳақида нима биласи? Агар онангиз уй бекаси бўлса, унинг иши нимадан иборат”

“Касблар алифбоси” ўйини

Синф учта командага бўлиниб, алфавит ҳарфларини ҳам учтага бўлиб оладилар. Командалар беш дақиқада дафтарларига ўзларига тушган алфавит ҳарфларига касб номларини топиб ёзишлари керак. Сўнгра бошловчи бирор бир ҳарфни айтади ва шу ҳарф тушган команда касб номини айтади. Агар команда ушбу ҳарфга касб номини билмаса, у ҳолда бошқа командалар ўз вариантларини айтишлари мумкин. Ҳар бир касб номи учун очко берилади. Ўйин якунида очколар ҳисобланади ва ғолиб эълон қилинади. Бошловчи ҳам ўзи таклиф этган алфавит ҳарфларига қўшимча қилган касблар номлари учун очко олиши мумкин.

Баҳс мавзуси.

Бошловчи: “Келажакда ким бўлмоқчилигингиз, бу касб ҳақида нима билашингиз, ва нима учун бу касбни эгалламоқчилигингиз ҳақида ёзинг”

Топшириқ бажариб бўлингандан кейин ҳоҳловчилар ёзганларини ўқиб беришлари мумкин.

Саволлар:

Яна ким ушбу касбларни эгалламоқчи?

Бу касб сизга нима учун ёқади?

Танлаган касбингиз сизни ўзига нимаси билан жалб қилди?

“Мактабдаги касблар” ўйини

Синф учта командага бўлинади. Битта команда мактабга алоқаси бўлган касбни (ўқитувчи, психолог, ошпаз, фаррош) айтади. Кейинги команда шу касбга таъриф беради ва яна битта касб номини учинчи команда учун айтади, ўйин шу тариқа айлана бўйича давом этади. Агар команда вазифани бажара олмаса, бошқа команда аъзолари бу имкониятдан фойдаланишлари мумкин. Командалар ҳар бир топилган касб номи ва унга берилган таъриф учун очко тўплайдилар. Сўнгра бошловчи болаларнинг шу мактабда ўқишлари учун меҳнат қилган касблар вакиллари (қурувчилар, бўёқчилар, электриклар) таъриф беради. Ўқувчилар бу касб номларини топишлари керак. Агар команда

Яна қандай касб эгалари мактабда бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўриш таклиф этилади. Ўз фикрингизни асослаб беринг.

Боалар айлана бўлиб ўтирадлар. Бошловчи кўрсатма беради. “Келинлар бугун келажакимизга назар ташлаймиз. Барчангиз келажакда кўлингиздан ҳамма иш келишини хоҳласангиз керак. Келажакингизни қандай тасаввур қиласиз. Ҳозир баланд овоз билан галма-гал ҳар бирингиз ўзингизнинг энг катта орзуингиз ҳақида гуруҳга айтасиз. Ҳар бир айтилган сўздан кейин биз ҳаммамиз бараварига қайтарамиз: “ Сен буни уддалайсан, келажакда бунга эришасан...” Ва сизнинг орзуингиз албатта амалга ошади”

«Касбий характер» ўйини

Ўйиннинг мақсади: барча касблар учун зарур бўлган сифатлар ҳақидаги билимларни шакллантириш.

Материал: қаторларда касбларнинг номлари берилган, устунларда шахснинг сифатлари кўрсатилган жадвал берилади, доскада катта жадвал.

2.3.1.жадвал

[illegible]

ЭВМ оператори															
Сартарош															
Ошпаз															
Сотувчи															

Ўйиннинг бориши: Иштирокчилар учтадан гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ жадвалдаги касбларга қандай сифатлар зарур бўлишини мустақил муҳокама қилади ва уларни жадвалда белгилайди. Ҳар бир гуруҳдан вакил таклиф қилинади, улар танлаган касбларни ва уларга хос бўлган сифатларни ҳимоя қиладилар. Бу ерда бошқа гуруҳларнинг таклифлари ҳам қабул қилинади ва улар жадвалга киритилади. Ўйин сўнггида бошловчи томонидан ҳар бир касб учун зарур бўлган шахснинг умумий сифатлари ажратилади

3-босқич. Олинган натижалар «Қиёсий таҳлил» ўйининг таянчи бўлиб хизмат қилади.

Мақсад: Касблар таснифи бўйича маълумотларни системалаштириш.

Материал: касбларнинг учта тасодифий номлари танланган жадвал руйхати берилади

2.3.2.жадвал

№	Касблар										Белгилар	
	Бухгалтер	Ветеринар	Газ пайвандло	Ҳайдовчи	Қурувчи	Менеджер	ЭВМ	Сартарош	Ошпаз	Сотувчи	Ўхшашлик (+)	Фарқ (-)
1.	☐		☐							☐		
2.							☐	☐		☐		
3.	☐	☐				☐						
4.			☐	☐					☐			
5.	☐				☐			☐				
6.						☐	☐		☐			
7.		☐		☐						☐		
8.			☐				☐	☐				
9.		☐			☐	☐						
10				☐	☐				☐			

Ўйиннинг бориши: Иштирокчилар учтадан гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ бу рўйхатни олади ва қаторлар бўйича таҳлил қилади. Ҳар бир қаторда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1.Ўзаро бир-бирига ўхшаш иккита касбни «+» белгиси билан, ўхшамайдиган касбни «-» белгиси билан белгиланг. Масалан, «кўчмас мулк агенти, косметолог, котиба» касблар учлигида косметолог касбини фарқ қилишини айтишимиз мумкин.

2.Ҳар бир қаторда фарқ қилиш ва ўхшашлик устунини тўлдириш лозим. Масалан, «кўчмас мулк агенти, косметолог, котиба» касблар учлигида косметолог касбининг фарқ қиладиган белгилари- санъатга оид қобилиятларни кўрсатиш мумкин, кўчмас мулк агенти ва котибанинг ўхшаш белгилари - санъатга оид қобилиятлар зарур эмас.

3. Қатордаги бошқа қолган касбларни, агар улар ўхшашлик белгилари билан характерланса, «+», агар улар фарқланса. «-» билан белгиланг.

Бундан келиб чиқадики, барча белгилар бир-биридан фарқ қилиши ва такрорланмаслиги керак.

Натижаларнинг муҳокамаси. Ҳар бир гуруҳдан бир вакил таклиф қилинади ва уларнинг ёрдами билан қуйидаги жадвал тўлдирилади.

2.3.3.жадвал

Касбларнинг таснифи				
Технологик (мехнат предмети, максади, воситаси, шароити)	Иқтисодий (соҳа, талаб ва таклиф, мехнат хаки)	Педагогик (билим,малака, таълим талаблари)	Тиббий (санитар- гигиеник факторлар, саломатлик талаблари)	Психологик (лаёқат)
1.				
2.				

Бошловчи иштирокчиларни касбни танлашда касбнинг барча таснифларини инобатга олиш керак деган хулосага олиб келади. (Жадвалга қаранг.) *Ўйиннинг давомийлиги: 90-120 минут*

2.3.4.жадвал

№	Касблар										Белгилар	
	Бухгалтер	Ветеринар	Газ пайвандловчи	Хайдовчи	Қурувчи	Менеджер	ЭВМ оператори	Сартарош	Ошпаз	Сотувчи	Ўхшашлик (+)	Фарқ (-)
1.	☐		☐							☐		
2.							☐	☐		☐		
3.	☐	☐				☐						
4.			☐	☐					☐			
5.	☐				☐			☐				
6.						☐			☐			
7.		☐								☐		
8.			☐				☐	☐				
9.		☐			☐	☐						
10				☐	☐				☐			

Хулоса ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи амалиётчи психологлар психологик маслаҳат, психодиагностик ва психокоррекцион ишларни юқори касбий даражада ўтказишлари учун муайян илмий методлардан фойдаланадилар. Амалий психолог фаолиятини тўғри ташкил этиш учун олиб бориладиган ишларни қайд қилиб бориши ва олинган натижалар бўйича ҳисобот тайёрлашлари лозим.

Юқори синф ўқувчиларининг хусусиятлари, гуруҳдаги мавжуд муаммолар, ўқитувчининг ўзига боғлиқ бўлган ҳолда касбга йўналтириш ишлари турли шаклларда олиб борилиши мумкин. Амалий ишлар тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори синф ўқувчилари психологик ташхис натижалари (тестлар, сўровнома, анкеталар) бўйича муҳокамаларда катта қизиқиш билан иштирок этадилар.

Ҳозирги замон психологияси бир қатор усуллар билан одамнинг амалий фаолиятига таъсир қилиш имконига эга. Мана шундай усуллардан бири, бу ҳар хил тоифадаги одамларга психологик ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Аммо, психологик ёрдам кўрсатиш учун аввало улардаги психик ўзгаришлар сабабларини ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш зарурати туғилади. Бунда биз психодиагностика фанига ва унинг методлари ҳамда методикаларига мурожаат қиламиз.

Ўз-ўзидан "психодиагностика" атамаси нимани англатади ва у нималарни ўрганади ҳамда унинг назарий- амалий вазифалари нималардан иборат деган савол туғилади.

"Психодиагностика" атамаси психологик ташхис қўйиш деган маънони англатиб, шахснинг руҳий ҳолатига тўлиқ ёки бирор-бир алоҳида хусусияти ҳақида малакали хулоса чиқаришдир, бунда "ташхис" шахснинг тараққиёт кўрсаткичи ва тавсифномаларни биргаликда талқин қилиш асосида синалувчининг ҳолат ва хусусиятлари қобиляти ҳақидаги хулосалардан иборатдир.

Битирув малакавий ишимизда 9-синф ўқувчиларининг умумий ва махсус қобилиятларини диагностика қилиш мақсадида икита муҳим психодиагностик тестдан фойдаландик, муаммони назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, умумий хулосалар чиқардик.

Хулосалар.

- Хозирги кунга қадар халқ таълими тизимида фаолият кўрсатувчи психологлар ўқувчиларнинг умумий ва махсус қобилиятларини диагностика қилувчи методикалардан тўлиқ фойдаланмасликлари.
- Кўпчилик амалиётчи психологлар ўз фаолиятларида “Қизиқишлар харитаси”, “Дифференциал диагностик сўровнома” методикаларини қўллаш билан чекланаётганликлари.
- Мактаб ўқувчиларининг махсус қобилиятлари (техник ва бошқа)ни ўрганишга мўлжалланган миллий мослаштирилган методикаларнинг етишмаслиги.

Тавсиялар:

- Битирув малакавий ишимизда қўлланилган “Техник қобилият” тестини мактаб амалиётчи психологлари учун қўлланма сифатида фойдаланиши учун тақдим этиш;
- Тадқиқот ишимизда қўлланилган “Қисқа танлов тести” нинг бироз соддалаштирилган вариантини ишлаб чиқиб, мактаб амалиётчи психологлари учун ўқувчилар умумий қобилиятини ўрганиш фаолияти учун тақдим этиш;
- Сурхандарё вилояти ташхис маркази мутахассислари томонидан буюртмалар қабул қилиб 9-синф ўқувчиларининг умумий ва махсус қобилиятларини диагностика қилиш воситаларини яратишга киришиш.
- Махсус қобилиятларни эрта аниқлаш имкониятлари хусусида мақолалар чоп эттириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги қонун»: - Тошкент, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»: - Тошкент, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси «Ёшлар йили давлат дастури»: - Тошкент, 2008.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 25 б.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 12 б.
6. Адизова Т.М. Психокоррекция. - Тошкент, 2006. – С. 37-56.
7. Ананьев Б.Г. Проблемы способности. – Москва: 1962. – 18 с.
8. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование. – СПб.: Питер, 2001. – 686 с.
9. Айзенк.Г.Ю. Проверьте свои способности.- М.: 1992. – 17 с.
10. Баратов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. - Тошкент: БухДУ, 1999. - Б. 77-85.
11. Блонский П. Память и мышление. - СПб.: Питер, 2001. - 288 с.
12. Гамезо М.Р., Домашенко И.А. Атлас по психологии. -М.: 2002. С. 58-63.
13. Голубева Э.А. Способности и индивидуальность. - М.: Прометей, 1993. – 114 с.
14. Голубева Э.А. Способности и индивидуальность// Ўзбекистоннинг иқтидорли болалари. / Республика илмий-назарий конференция материаллари. - Термиз, 1992. - Б. 10-17.
15. Гуревич К.М. Что такое психологическая диагностика. – М.: Знание, 1985. – С. 10-28.
16. Давлетшин М.Г. Ёш даврлар ва педагогик психология асослари. -Тошкент: ТДПУ, 2006. – 43 б.
17. Давлетшин М.Г. Техническая одарённость и ее выявление //Ўзбекистоннинг истеъдодли болалари / Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Термиз, 1992. - Б. 53-55.
18. Дружинин В.Н. Экспериментальная психология. СПб.: Питер, 2002. – 218 с.

19. Исмагилова Ф.С, Нишонова З.Т. Ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланиш. - Тошкент: 1993. - Б. 5-17.
20. Кадыров Б.Р. Способности и склонности. -Т.: Фан, 1990. - 105 с.
21. Кадыров Б.Р., Кадыров Н.Б. На пути к созданию стандартизированных тестов интеллекта. – Душанбе: Сино, 1994. – С. 6-10.
22. Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методикалари тўплами. -Т.: Университет, 2003. - 34 б.
23. Климов Е.А. Индивидуальная стиль деятельности в зависимости от типологических свойств. – Казань: 1969. – 48 с.
24. Нишонова З.Т. Юқори синф ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш Респ. Илм.-амал. конф. матер.. –Термиз, 1992. - Б. 83-85.
25. Нишонова З.Т. Психологик хизмат. -Т.: ТДПУ, 2006. - 38 б.
26. Шарафутдинова Х.Г. Дарс жараёнида ўқувчиларни ақлий фаоллаштириш // ТерДУ илмий-назарий конференция материаллари. - Термиз, 2001. Б. 24-26.
27. Шарафутдинова Х.Г. Ақлий қобилиятнинг индивидуал услубини ўрганиш // ЎЗМУ халқаро илмий-назарий конференция материаллари. - Тошкент, 2013. Б. 227-229.
28. Шарафутдинова Х.Г. Ақлий фаолиятнинг индивидуал услубини ўрганиш // Респ. Илм.-амалий конференция материаллари. - Самарқанд, 2005. Б. 27-29.
29. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. -Тошкент: 1990. - Б. 156-184.
30. Ғозиев Э. Умумий психология. II-том - Тошкент: Университет, 2002. - 54 б.
31. Ғозиев Э. Психология. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - Б. 107-108.
32. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Олий мактаб психологияси. - Тошкент: Университет, 2006. - Б. 45-50.
33. Ғозиев Э.Ғ., Усмонова Ш. Интеллект психологияси. -Т: 2003. - Б. 13-24.
34. www.psihol.ru
35. www.flagiston.ru
36. www.psiholog.uz
37. <http://psychology.net.ru>

ИЛОВАЛАР

Техник қобилият тестининг баҳолаш мезони.

Баллик баҳо	8	7	6	5	4	3	2	1
Тўғри жавоблар учун очколар суммаси	274	240- 273	210- 239	196- 209	181- 195	170- 180	140- 169	120- 139

- 1) 274-240 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг ТҚ юқори;
- 2) 239-210 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг ТҚ ўртачадан юқори;
- 3) 209-170 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг ТҚ ўрта;
- 4) 169-140 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг ТҚ ўртадан паст;
- 5) 139-120 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг ТҚ паст